




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 34 (9.378) 2000 йил 22 март, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Наврўзи олам ўз мо-
ҳияти, ўз руҳи, ўз на-
фаси билан халқимиз-
нинг олижаноб қалби-
ни, унинг асл табиа-
тини ифода этади.

Ислон КАРИМОВ

ГЎЗАЛ ЗАМИНИМИЗДАГИ КАТТА БАЙРАМ, УЛУҒ ШОДИЁНА



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!

Бугун бизнинг саховатли, бетакрор ва гўзал заминимиз-
да катта байрам, улуғ шодиёна.

Баҳор ва уйғониш, янгилиниш ва эзгулик, меҳр-мухаб-
бат, қадр-оқибат, хайру саховат рамзи — Наврўзи олам
кўтлуг қадами билан юртимизга кириб келмоқда.

Кўна тарихимиз, қадим маданиятимиз, миллий ўзлиги-
мизнинг муҳассам тинисли бўлиши, инсон руҳини ва қал-
бини янгилайдиган, покиса орзу-хавасларни уйғотадиган,
биз ҳамиша мунтазир бўлиб кутадиган мана шу фазилатли
айём билан барчангизни чин дилдан муборакбод этаман.

Қадри дўстлар!
Хаёт бор экан, одамзот бор экан, инсон ҳамиша эзгу-
лик, эркинлик ва рўшноликка интилиб яшайди, дунёда ях-
шилиқ ва адолат ҳукмрон бўлишини истади.

Наврўз айёмида одамзот ҳаёт абадийлигини, умрнинг
мазмун-моҳияти, савоб ва эзгу ишларнинг қадр-қиммати-
ни, айниқса, теран англайди.

Офтоб ерни қиздириб, кўклам шабадалари эсганда, да-
рахтлар куртак оғанда одамнинг юрағида мудраб ётган
саховат, шафқат, меҳр-оқибат туйғулари уйғонади.

Бева-бечора, муҳтож одамлар ва oilаларга кўмак бе-
риш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, ҳаёт ҳузур-
ҳаловатларидан уларни баҳраманд қилиш, меҳр-мурувват
кўрсатиш каби эзгу интилишларимиз, уйимиз, маҳалламиз
ва юртимизнинг обод этиш айна Наврўз кунларида намоён
бўлиши халқимизнинг табиатига мосдир.

Янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб дамларда
ризқ-рўзимиз бунёдкори — бободоҳон яхши ниятлар бил-
ан даласига уруғ сочади.

Наврўзи олам кунларида халқимиз ўзининг табиатга яқин-
лигини, қадрдонлигини янада чуқур ҳис этади, кенг дала-
лар, қир-адирлар, бөг-роғлар, ям-яшил яйловлар, тоғлар
бағрида сайл-томошалар ўтказиб, шу кунларга етказгани
учун Оллоҳга шукроналар айтади.

Баҳорнинг сумалак, ҳалим каби тансиқ неъматлари тор-
тилган Наврўз дастурхони атрофида ҳамиша қариндош-уруғ-
лар, ёру биродарлар, узок-яқиндан келган азиз меҳмон-
ларнинг очик кўнгли, ёруғ юз билан жамулжам бўлиши —
бизнинг азалий одатимиз.

Мухтарам юртдошларим!
Бугунги улуғ айёмнинг асрлар давомида элимиз учун
энг азиз ва ардоқли байрам бўлиб келаятганининг албатта
ўз сабаблари бор.

Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан
халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифо-
да этади.

Шунинг учун ҳам ҳеч қандай куч Наврўзини на зўрлик, на

алдов билан халқимиз хотирасидан, маънавий ҳаётимиз-
дан ўчира олмади.

Наврўз руҳи халқимизнинг бутун дунё билан ҳамжиҳат-
лиқда тинч-тотув яшаш, ҳар қандай зуравонлики рад этиб,
эзгу мақсадларни қўлаб-қувватлашга бўлган олижаноб ин-
тилишларида, умуминсоний қадриятларга бағоят уйғун экан-
лида яққол намоён бўлади.

Бугунги эркин ва озоқ ҳаётимизда Наврўз янгича маъно
касиб этаётгани, юртимизда яшаётган юздан ортиқ миллат
ва элатларнинг ҳам кўтлуг байрамига айланиб, уларнинг
ижодкорлик намуналари билан бойиб бораётгани бунинг
ёрқин далилидир.

Бунинг яна бир тасдиғи — ҳазрат Навоий номи билан
аталган мана шу гўзал боғимизда, сайил майдонидида ўтқа-
зилган бугунги тантана ва томошалардир.

Азиз дўстлар!
Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Наврўз шодиёнаси ва
хурсандчилик байрамини ўтказишга, дилимизни шод қилиш-
га катта тайёргарлик қўриб келган юртимизнинг ноёб ва
бетакрор санъати намоёндаларида, халқимизнинг семимли
ижодкор ва ижрочиларида, ташкилотчиларга барчамизнинг
номимиздан самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат
бергайсиз.

Гўзал Фарғона водийсидан, қадим Самарқанд Бухоро-
дан, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасидан, Сурхон ва Қашқа-
дарё вилоятларидан, Навоий, Жиззах ва Сирдарёдан, Тош-
кент вилояти ва пойтахтимиздан, мамлакатимизнинг турли
шаҳар ва қишлоқларидан келиб, бугунги улуғ айёмга фойз
бағишлаб ўтирган сиз азиз юртдошларимиз, сизлар орқали
бутун халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий тилаклар-
им ва иззат-эҳтиромимни билдираман.

Наврўз шодиёнасида иштирок этаётган барча меҳмон-
ларга — хорижий давлатларнинг элчиларига, халқаро таш-
килотлар вакилларига, чет эл оммавий ахборот воситалари
мухбирларига барча халқимиз номидан, уларни бизнинг
юртимизга, кўна урф-одатларимиз ва маданиятимизга бил-
дирган ҳурмат-эҳтиромимиз учун чин қалбимдан ташаккур из-
ҳор этаман.

Кўтлуг Наврўз тонғида мен мана шу юксак минбарда
туриб, нуроний отахон ва онахонларимизга, мунис опа-
сингилларимизга, умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяёт-
ган навқирон ёшларимизга чин қалбимдан айтмоқчиман:

Азиз бошлангиз омон, иқболангиз баланд, умрингиз узок,
ризқ-насибангиз доимо бутун бўлсин!

Бугунги баҳор ва шодлик айёмида ният қилган жамики
тилақларингиз рўёбга чиқсин!

Ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахт-
саодат ёр бўлсин!

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

Тошкент. 2000 йил 21 март.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

**Юртимизнинг семимли
байрамлари кўн. Бироқ
улар орасида янариш ва
янгилиниш, меҳр-оқибат
ва қадрият, дўстлик ва
ободонлик айём бўлиши
Наврўзнинг тутган ўрнини
файзли бўлакча. Шоир Ё-
ганидир:**

**Табиат уйғонди
сени соғиниб,
Ялпиз кўкатлардан
самсалар ёниб.
Сумалак таъмини
кўмсаб, энтикиб,
Наврўзим, мен сени
соғиндим бу кун!**

Ҳа, биз доимо Наврўзи
оламни ўзгача шуқуқ, интиқ-
лик ва чанқоқлик билан ку-
тамыз. Дарҳақиқат, табиат
уйғониб, жонланадиган, бу-
тун борлиқ яшилликка бур-
каниб туну кун тенглашади-
ган Наврўзи олам қадимий
ва ҳақиқат навқирон бай-

рамдир. Олимларнинг эъти-
рофича унинг тарихи уч минг
йилдан ошди. Буюк бобо-
калонларимиз Маҳмуд Қош-
ғарий, Абу Райҳон Беруний,
Умар Ҳайём, Мавлоно Лут-
фийлар ўз ижодларида
Наврўз тўғрисида тўхталиб
ўтганлар, дostonлар битган-
лар. Қадимги давлрлардан то
хануз шоирлар шуаролар ушбу
айём фазилатларини қалам-
га олиб келадилар. Бироқ
буюк мутафаккир бобомиз
Алишер Навоийдек Наврўзи
олам таърифини келтирган
ижодкор топиламас керак.
Унинг куйидаги аjoyиб
мисралари халқимизга ёд
бўлиб кетган:

**Эй юзун боғи
насибиди ҳавойи Наврўз,
Лаъли тоғнинг бўлиб ул
боғда бўстонафрўз.**

**Зулфу руҳсор ила номини
мени еткурсанг
Ҳар тунунг қар ўдубон,
ҳар кунунг ўқсин Наврўз!**

чарақлаб турган қуёш, қий-
ғос очилган бодом, олхўри,
ўрик гуллари, шишадек тин-
чиқ осмон каби табиат
гўзалликларидан завқланиб
яна бир баҳор байрамига
эсон-омон етказгани учун
яратганга шукроналар қилиб
Наврўз умумхалқ байрами
тантаналари ўтадиган ҳазрат
Алишер Навоий мажмуаси-
га йўл олар эканмиз, ҳаёли-
миздан юқоридаги фикрлар
ўтди. Қаёққа қараманг, гул-
гун чехралар, ҳуш кайфият-
ли кишиларга кўзингиз ту-
шади. Одатдагидай бу гал
ҳам тантаналар очилишидан
бирмунча аввал мажмаа хо-
рижий давлат элчиларининг
элчилари, халқаро таш-
килотлар вакиллари, чет эл
оммавий ахборот воситала-
рининг мухбирлари, шаҳар
жамоатчилиги — олимлар,

зиёдчилар, уруш ва меҳнат
фахрийлари, умуман рес-
публикамизнинг барча ви-
лоятларидан келган меҳ-
монлар билан тўлди. Фур-
сатдан фойдаланиб чехра-
ларидан нур ёғилиб тур-
ган нуроний отахонларни
суҳбатга тортдик.

— Наврўз байрами эски
қадриятларимиздандир, —
дейди 44 йил темир йўл со-
ҳасида баракали меҳнат
қилиб, ҳозирда фарзандла-
рию нева-чеваралари
ардоғида кексалик гашти-
ни сураётган Акмал Ик-
ромов туманидаги «Бир-
лик» маҳалласидан таш-
риф буюрган отахон Ан-
вар ҳожи Султонов. — Бир-
роқ шўроларнинг муста-
бид тузуми даврида уни
барбод қилишга қанчалик
уринишмасин, халқимиз

(Давоми 2-бетда).



БАЙРАМ ИНШООТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

Ўлкамизда фасллар келинчаги баҳорнинг
тароватли кунлари бошланди. Бу давр хал-
қимиз учун улуғ айём — Наврўзи олам
нишонлини билан ҳам аҳамиятли. Уйғониш
ва яратувчанлик, эзгулик ва муҳаббат бай-
рамига мамлакатимиз аҳли ўзгача ҳозирлик
қўради. Байрам арафасида янги-янги иншо-
отлар фойдаланишга топширилиши, бөг ва
ҳибоблар барпо этилиши ҳам истиқлол
йилларида хайрли анъанага айланди.

20 март кунини Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов Тошкентдаги
бир неча шундай байрам иншоотлари бил-
ан танишди.

Авал, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон
банклар ассоциациясига қарашли Банклар
ро молиявий хизмат маркази бизнесини
қўздан кенчирди. Энг замонавий меъморлик
услуида бунёд этилган бу осмонўпар би-

нода дунё банк тизими талаблари даражаси-
да хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар
яратилган. Бу ерда молиявий ташкилотларга
лизинг, сугурта, ахборот, ҳуқуқ хизмати кўрсат-
илади, республикамизнинг траст, инвести-
ция, пластик карт тизимини жорий қилиш,
рейтинг компаниялари, омонат ҳимояси жам-
гармаси, банкларро қув-ахборот маркази
фаолият кўрсатади.

Шунингдек, марказда турли халқаро молия-
вий тузилмалар, фирма ва компаниялар иш
олиб бориши учун барча шароит мавжуд. Бар-
ча офислар замонавий техник ускуналар, ком-
пютерлар билан жиҳозланган бўлиб, халқаро
биржа ва молиявий ахборот тармоқларида
уланган. Музокаралар ўтказиш учун махсус
хоналар, конференц-зал, иккита ресторон,
матбуот маркази мавжуд.

Ислон Каримов бино атрофини кўкаламзор-

лаштириш, фаввораларни миллий руҳдаги ша-
лга солиш ва шу билан пойтахт чиройига чирой
қўиш кераклигини ўқтирди. Юртбошимиз хо-
наларнинг жиҳозланиши ва ходимларнинг жой-
лаштирилишидан мамнуният билдириб, бундай
тартибни бошқа давлат идораларида ҳам жорий
қилиш лозимлигини айтди. Хизмат хоналари бил-
ан бирга бу ерда одамлар ҳордиқ чикарадиган
махсус хона ҳам бўлиши зарур. Умуман, бундай
марказлар Тошкентни минтақанинг молиявий
пойтахтига айлантириш учун хизмат қилиши бил-
ан муҳимдир.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари
Банклар ассоциацияси илмий-тадқиқот мар-
кази бизнес лойиҳаси билан танишиб, уни
шаҳар меъморий кўринишига мослаштириш
юзасидан ўз тақлифларини айтди.

Байрам иншоотларидан яна бири — «Хо-
бас-ТАПО» Ўзбекистон-Швейцария-Германия

қўшма корхонасидир. Республика Вазирлар
Маҳкамасининг қарорига кўра Тошкент авиа-
ция ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида
Швейцариянинг «Хобас РорэГмбХ» фирмаси
билан ҳамкорликда барпо этилган бу корхо-
на мамлакатимиз халқ ҳўжалиги учун зарур
нометалл қувурлар тайёрлашга ихтисослаш-
ган. Унинг умумий қиймати 106,5 миллион
немец маркуси микдориди бўлиб, Германия-
нинг «Берлинер Банк» и ва «Гермес» сугурта
фирмаси томонидан молиялаштирилган.
Бу ерда ишлаб чиқариладиган ҳам ашё — кальций
карбонат тузи, кварцли кум мамлакатимизда оли-
нади, технологик жараённинг бирламчи модда-
си — полиэфир сақич, шиша мато эса ҳозирча
Германиядан келтирилади. Тез орада уларни
ҳам республикамиз корхоналарида тайёрлашни
ўзлаштириш режалаштирилган. Лойиҳа қуввати
йилига 970 километргача қувур ишлаб чиқариш
бўлган корхона махсусоти сув ва канализация
тармоқларида қўлланилиб, металл қувурларга

нисбатан арзонлиги ва чидамлилиги билан аж-
ралиб туради.

Президент Ислон Каримов қўшма корхо-
нанинг тантанали очилиш маросимидида иш-
тирок этиб, технологик жараён билан яқин-
дан танишиб, автоматлаштирилган ускуна-
ларнинг қуввати ва ишлаб чиқариши янада
кенгайтириш имкониятлари билан қизиқди.

Хорижий ҳамкорлар билан суҳбат чоғида
Юртбошимиз бундай махсусотга нафақат
бизда, балки қўшни давлатларда ҳам эҳти-
ёж катта эканлигини таъкидлади. Чунки сув
ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш,
сугориш тизимини такомиллаштириш рес-
публикамиз учун муҳим масаладир. Шу бил-
ан бирга давлатимиз раҳбари ишлаб чиқа-
ришни тўлиқ маҳаллийлаштириш, респу-
бликамиз халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун ай-
ниқса зарур ўлчамдаги махсусот турларини
қўлайтириш лозимлигига эътиборни қарат-
ди. Ислон Каримов германиялик шериклар
билан бу борадаги ҳамкорлик янада кен-
гайишига умид билдирди.

(Давоми 2-бетда).



БАЙРАМ ИНШООТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Шайхонтоҳур академик лицейини бориб кўрди.

Замонавий ўқув воситалари, компьютерлар билан жиҳозланган маърузалар хонаси, мажлислар зали, катта спорт зали ҳамда майдончалар, шинам ошхонага эга бу лицейда жорий ўқув йилида 275 ўқувчи таҳсил олмакда. Улар иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишлари бўйича пухта билим оладилар.

Президент Ислам Каримов ўқувчилар билан суҳбатлашар экан, истиқлол туфайли яратилган бундай имкониятларнинг қадрига етиш, дунёга доғруғи таралган аждодларга мос фарзандлар бўлиш учун улар, аввало, мустақиллик моҳиятини англаши даркорли-

гини ўқирди. Бунинг учун эса ёшларда етарли билим ва онг шакллантирилиши лозим. Ҳар қайсимиз Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим деб яшашига ўрганишимиз лозим, деди Юртбошимиз.

Шу кун Президент Ислам Каримов Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биносини ҳам кўздан кечирди.

Тарихий аҳамиятга молик бу бино замонавий тарзда таъмирланган бўлса-да, ўзининг бетакрор меъморий қимматини йўқотмаган, балки янги-ча чирой оingan. Йўлбошчимиз унинг ўзига хос услубда таъмирланганлиги, шинам ва қулай иншоотга айлантирилганлигидан мамнуният билдирди.

Бехзод УСМОН (ЎзА),
Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

ГЎЗАЛ ЗАМИНИМИЗДАГИ КАТТА БАЙРАМ, УЛУҒ ШОДИЁНА

(Давоми.
Боши 1-бетда).

Наврўзи оламни ардоқлаб келди. Мана, мустақиллигимизнинг меваси сифатида Юртбошимизнинг ташаббуслари билан барча йўқ қилинган удуларимиз сингари Наврўзи олам ҳам янги-ча файз билан қайтадан юзага келди. Саккизинчи йилдирки, бола-чақаларим билан Наврўзнинг асосий тантаналаридан беvosита баҳраманд бўлиб келяпман. Бу йил ҳам Наврўз файз-тароват ила юртимиздаги ҳар бир хонадонга ўз сепини ёймоқда.

Хусусан, ўтган яхшанба кун хонадонимизда сумалак қилиди. Бугун эса ўлим истиқомат қиладиган «Уриқзор» маҳалласида Наврўзнинг тотли таомларидан бири — ҳалимдан баҳраманд бўлиб келяпман. Шундай қутлуг кунларда тилагим шуки, халқимиз бахтига Юртбошимиз омон бўлсинлар, кўп йиллар шундай маросимларга қелишимизни Аллоҳ насиби рўзи айласин.

— Ёшлик чоғларимизда хонадонларда бекитиқча сумалаклар пиширилиб, Наврўз байрамлари кутиб олинганнинг шодиғи бўлганмиш, — суҳбатга қўшилди «Аллон» маҳаллалик яна бир нуруний Восиқ ота Паттоҳов. — Унутилган байрамларимизнинг шунчалик тиклангани, халқимизнинг шод-хушрамлиги, эмин-эркинлигини кўриб, биз кексаларнинг ҳам дилларимиз қувнайдими. Албатта, бу кунларнинг шукронасини қилишимиз керак. Маҳаллага бориб албатта байрам таассуротлари билан ўртоқлашаман. Юртимизда доимо шундай аҳиллик, фаровонлик ва тараққиёт

ҳукм суришини яратгандан сўраймиз.

Татьяна Сергеевна Шорина эса ўз хурсандчиликлари куйидагича баён этди:

— Наврўз республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг ҳам сеvimли байрами десам адашмайман. — Шундай қутлуг байрамнинг кўнгилли ўтиши учун

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табрик нутқи сўзлади.

Юртбошимиз улуг шодиёна баҳор, уйғониш, муруват, меҳр-муҳаббат ва хайру саховат рамзи бўлиши Наврўз айёми билан барча меҳмонлар — элчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эл оммавий ахборот

шув», «Овулда тўй», «Бахшиёна табрик», «Алёр», «Олмача» каби миллий чиқишларни айниқса, олқишлар билан кутиб олишди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг Наврўз руҳидаги санъат намуналари муҳлисларида катта қизиқиш уйғотди, куйлар қўшиқларига, алёрлар лапарларига ула-

Наврўз байрамининг асосий томошалари сўнгий йўлдош орқали Европа ва Осиё китъаларининг 50 дан ортқ мамлакатларида тўғридан-тўғри кўрсатилди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Шу кун пойтахтимизда Наврўз шодиёналари эса узоқ давом этди. Шаҳримизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Халқлар дўстлиги ва Мустақиллик майдонлари, Амир Темури хибони, Сайилгоҳ ва Алишер Навоий номидаги Катта академик театри майдонлари, Шоирлар хибони, Сирғали тумани

дам олиш маскани, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов майдонлари ҳамда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, маҳаллаларда, кўйингчи, шаҳримизнинг ҳар бир

файзли гушларидида пойтахтнинг етакчи бадийи жамоалари иштирокидаги байрам концерт дастурлари оммавий халқ сайилларига ўзгача руҳ бахш этди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги Наврўз умумхалқ байрами томошаларидан лавҳалар.

Рустам Шарипов ва Сергей Любич олган суратлар.



ДАВР САДОСИ БАРЧА МАНАБАЛЛАДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ **Кеча** республикаимизнинг барча ҳудудларида Наврўз байрамига бағишланган шодиёналар бўлиб ўтди.

◆ Наврўз арафасида пойтахтимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдосига мўлжалланган улғуржи бозор ишга туширилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Алломши» дostonининг аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадийи ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, унинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлигини инобатга олиб, ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсадида 2000 йилнинг 12-13 май кунлари Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида «Алломши — боқий асар» тадбирлари даърасида ёш бахши шоирларнинг (35 ёшгача) анъанавий Республика кўрик-фестивалини ўткази-

◆ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тижорат банклари рўйхатга олиш комиссияси «Бизнес банк» хусусий акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни бериб, уни тижорат банклари рўйхатга олиш давлат ҳисобига қайд этди.

◆ «Ўзбекбирлашув» компанияси тизимида шампун ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ўзбек-корей қўшма корхонаси ишга туширилди.

◆ «Камолот» жамғармасида ёшлар ўртасида гивандликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

◆ Самарқандда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Соғлом авлод учун барчамиз масъулимиз» шиори остида хайрия марафони бўлиб ўтди.

◆ Наврўз байрами арафасида сирдарёлик бир гуруҳ ишбилармон ва тад-

биркорлар «Ташаббус-2000» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиш учун Гулистондаги Олим Хўжаев номи мусиқали ва драма театрига ташриф буюришди.

◆ Нукусда бокс бўйича 1984-85 йиллари туғилган ўсмирлар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги ўтказилди.

ЖАҲОНДА

◆ **Бугун** ва эртага Тбилисида Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе ва Озарбайжон Президенти Хайдар Алиевлар иқтисодий ҳамкорлик ҳамда Боку — Тбилиси — Жайхун нефть қувури йўли қурилиши масалалари ҳусусида ўзаро музокара олиб борадилар.

◆ Бишкекда «Наврўз-2000» халқаро театр фестивали ўтмоқда.

◆ 27 март кун Ироқда парламент сайлови бўлиб ўтади. Унда 10 миллион ироқлик иштирок этиши кутилмоқда.

◆ Хитой оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги энг семиз ва новча одамлар ҳақидаги маълумотни ёритди. Денг Жуйан исмли болакай дунёдаги энг семиз гўдак экан. Унинг оғирлиги 6 ойлигида 3 яшар боланинг вазнига тенг бўлган.

◆ Юлдузлар оламига қизиқувчи уруғвайлик полициячи Карлос Марана автомашиналарнинг ўғирланиши юлдузлар буржи билан боғлиқлигини аниқлади. У машина ўғирланишига оид 8 минг жиноят ишлари ўрганиб чиқиб, Хамал ва Сарв буржида туғилганлар кўпроқ уловини ўғирлар экан, деган фикрга келди.

◆ Польша хорижий сармоя ишлари бўйича давлат бошқармаси маълумоти-га кўра, 1999 йилда мамлакатга 8,3 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя жалб қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткичи 10-12 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

◆ Англиянинг машҳур «Манчестер Юнайтед» футбол клубининг акциялари қиймати 1 миллиард фунт стерлингдан ошди.

◆ Сидней Олимпиадаси ўйинларида қўлга киритилган олтин медал учун ҳар бир қозғистонлик спортчи 100 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот оладиган бўлди. Мамлакат Бош вазир Косимжўмарт Токаев бокс бўйича Қозғистон миллий терма командаси билан бўлган учрашувда шунини маълум қилди.

Муруват ўн қуналиғи

БЕПУЛ ТЕЛЕФОН ЎРНАТИЛДИ

Пойтахтимизда умрбоқий Наврўз байрами тантаналари кунларида «Муруват ўн қуналиғи» ҳам давом этмоқда. У шаҳримиздаги саховатга беа болмаган ташкилот, муассаса, ҳар бир инсонни саов қилишдек эзу ишларга ундайди.

Жумладан, «Шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги акциядорлик жамияти, Собир Раҳимов туман телефон тармоғи ва «Тошкент оқшом» газетаси ҳамкорлигида 500 мингичи абонентга бепул телефон ўрнатиб беришга аҳд қилдилар.

Бу омад Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи кўп болали оила — Эргаш Тожибоевлар хонадонига насиб этди. Ушбу хонадонга телефон тармоғи ходимлари, Акам,

ри ташриф буюриб, кутлуг Наврўз байрами билан муобракбод этдилар. Бир неча соат ичида телефон симлари тортилиб, соғвага келтирилган телефон ишга тушириб берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, хонадон соҳиби Эргаш ака Тожибоевни суҳбатга торти-

— Бугунги кун оиламиз учун энг қувончли кун бўлди. Оиламизни ишчилар сулоласи дейиш мумкин. Акам, укам, сингилларим ва мен «В.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятида меҳнат қиламиз. Бугунги бизга кўрсатилган саховатдан қўнгилмиш тоғдек кўтарилди. Бизга шундай меҳр-муруват кўрсатган «Шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги акциядорлик жамияти бош директори Саидхад Абдурамонов, Собир Раҳимов телефон тармоғи бошлиғи Маъруф Дадабоевга, «Тошкент оқшом» таҳририятига самимий миннатдорчилигимни билдираман. Бундай саов ишлар меҳр-оқибатга муҳтож кишилар дилини тўқилантириб, қўнгилларини тоғдек кўтаради.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

Тадбирлар

ОНА МУҲАББАТИ — ҚУЁШ ҲАРОРАТИ

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси янгилашган айёми — Наврўз байрами муносабати билан юза яқин нуруний онахонларни тумандаги «Қомилжон ота» дам олиш масканига «Онанинг муҳаббати — қўшнинг ҳарорати» мавзусидаги кечаси тақдиф этди.

Тадбирда халқимизнинг меҳр-муҳаббат янгилашган байрами Наврўз билан онахон-

ларимиз қизгин кутланди, жамиятнинг пойдевори бўлиши оилаларда соғлом муҳитни яратиш, самимийлик, маънавий поклик, орасталик, атроф-муҳитни озода сақлаш ва соғлом авлоднинг дунёга келиши ва шаклланишида аёлларнинг ўрни нечоғлик юксаклигига йиғилганлар эътибори қаратилди.

М. Турғунбоева номидида «Баҳор» рақс дастасининг хушовоз хонадонаси Олимжон Мирзаевнинг оналарини мадҳ этувчи қўшқлари даврага янада файз-тароват киритди.

Дамир ИСАЕВ.

Янги йилнинг бошланиши республикамизда халқимиз ва давлатимиз ҳаётида гоят муҳим аҳамият касб этадиган воқеаларга бой бўлди. Булар орасида фақат ўз фуқароларимиз-у, уларнинг турли-туман қатламлари вакилларида тортиб, бутун дунё миқёсида ҳамон таъриқ-қутловларда узлуксиз таъкидланаётган воқеа — бу Ўртабшомимизнинг янгида ўз лавозимида сайлангани бўлиб қолди, десак янглишмаймиз. Чунки бу ҳодиса деярли жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгига содир бўлаётганини — эндиликда рақибларимиз ҳам рад этолмайдилар. Негаки, ойни ҳеч қайси замонда этак билан ёпиб бўлган эмас, бундан кейин ҳам бундай оламшумул воқеа-ҳодисалар махсус исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлигига қўлаверди ва давом этаверади...

Биз юқорида бўлиб ўтган Олий Мажлисимиз сессиясида Ўртабшомимиз маърузаларида айтилган бир фикрдан қўчирма келтирганимиз бежиз эмас. Ана шу кўчирмада баён қилинган фикрлар илгари айтилмаган эдими? Нега бу ва шунга оид яна бир қатор фикр-мулоҳазаларни яна такрорлаш ёки янгидан, турли-туман шаклларда, мисоллар ёки муносабатлар билан қайта-қайта таъкидлаш керак бўлиб қолди? Бундай саволлар, эҳтимол, ҳали ҳам кўпчиликда пайдо бўлаётгандир, ҳатто пайдо бўлиши гоҳо табиий ҳам дейлик... Биз мазкур мулоҳазаларимиз давомида ана шу саволларга жавоб беришга интилиб кўрамиз.

Аввало, мавзунинг узлуксиз таъкидланиб бориши ҳақида. Бизнинг ёшдагилар яхши эслашади: Ўртабшомимиз — Ислам Каримов 20—30-йилларда қатъон этилган буюк аждодларимиз маънавий меросини тиклаш, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, энг яхши, илгор миллий анъаналаримизни юзага чиқариш ҳақида махсус ғамхўрлик қилганлари — худди кечагидай кўз олдимизда турибди. Ўша йилларда тузилган ўғил-қизларимиз ҳозир ўн-ўн икки ёшларга кирган ва улар ўз ота-боболари қадриятларига ҳурмат билан қараш руҳи билан кўз оча бошладилар. Телерадиоларда ҳозир уларнинг айримлари — Навоийдан тортиб кўлаб буюк сиймоларимиз асарларидан ўқишмоқда, уларни ўзларига таҳлил этишмоқда, кўлаб шеър ва ғазалларини ёдлаб ҳам олишган. Энди улар ўз аждодларига ҳурматсизликни ҳуқуқ деб биладиган бўлиб қолдилар. Негаки, улар кўз очиб — Истиқлолимизнинг, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш руҳида тарбия топа бошладилар.

Бизларнинг ёшлигимиздаги «халқ душмани», «миллатчи», «сарой шоири», «феодалчилик», «буржуазиячилик» каби қизиллар тўқиган уйдирмалар воситасида ясалган — қора тамгалардан эндиғи ёш авлод хабарсиз. Бирок тарихни ўрганиш, ҳар бир босқичда ўз халқи бошидан кечган воқеа-ҳодисалар силсиласини тўла-тўқис ўрганиш, моҳиятига чуқур кириш, таҳлил қилиш, ижобий-салбий нуқталарини тўғри аниқлаб олиш, ўз ҳаёти-фаолиятида тўғри йўлни топиб олишда жалғаслик — булар ҳаммаси бугун ҳам гоят долзарб масала бўлиб турибди. Ўртабшомимиз ҳар чиқишларида бунга аҳамият бераётганлари боиси ҳам шу десак, хато қилмасак керак. Негаки, бугунги ёшларимиз орасида, ҳатто айрим гофил катталар орасида ҳам турли бетайин, таг-томири йўқ — яъни — пуч, аммо нуқул ўз эл-юртига қарши борадиган жиноятчилар — ўз ҳаракатларини, яъни инсониятга қарши, ўз ватани, миллатига қарши ҳиёнатларини дин деган гоят муқаддас иборат билан пардабел, аслида динга ҳам, инсонга ҳам ҳоинлик қилаётганлар борлиги буюк аждодларимиз тарихий манбаълари замида уларни маърифат йўли билан тўғри йўлга солишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугина эмас, тарих — тарих, буюк сиймоларимизнинг маънавий мероси бебаҳо бой хазина. Бу гап доим айтилади. Маъноси ҳам ойнадай равшан. Аммо ўш хазинадан айрим мисоллар келтириб — «фалончи ундай деган, пистончи бундай деган» қабилдаги эскидан қолган сийқа гаплар билан маънавийтимизни санаб ўтиш — олимларимиз, журналистларимиз ёки ижтимоий фан соҳасидаги айрим ҳодимлари чуқурроқ ўйлашга давват этмаслиги мумкин эмас. Биз бу гапни айтмас эдик. Мажбур бўлдик. Айрим ахборот воситаларида расмий шахс ёки расмий ҳужжатлардан бирида айтилган бир жумлани келтириб, ундан кейин ис-

таган кўчага кириб кетишлар учраб турибди. Ҳатто бир кап-катта олим бир неча чиқишларида «маънавият бўлмаса, ривожланиш бўлмайди, маънавият бўлмаса у бўлмайди, бу бўлмайди» қабилда қатор ўнлаб соҳаларни санаб берди. Шу билан гапи ҳам тугади. Бечора ўйламайдики, ким унга маънавият керак эмас, деб даъво қилган экан? Агар бирор одам «Энди бу гапни қўйинг, маънавият бизга керак эмас!» деб бош кўтарган бўлса, эҳтимол, унга шундай изоҳ зарур бўлиб чиқар... Модомики, маънавият, миллий тарихимиз, буюк сиймоларимиз бизга қолдириб кетган битмас-туганмас маънавий меросга муттасил муҳожаат қилар эканмиз, ҳар сафар уларнинг бугунги дунё воқеа-ҳодисалари билан, ўз жумҳуриятимизда кечиб турган ҳаётини муаммолар

...Бугун шакл топаётган миллий мафкура концепциясини мизг йиллик миллий қадриятларимизни ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига синдириш олимларимиз, файласуф ва сиёсатшуносларимиз, умуман, илмий жамоатчилигимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ислам КАРИМОВ

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

XVI. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

билан, ҳам миллий, ҳам умуминсоний фазилатлари билан нақадар уйғунлашиб кетаётганини идрок этиш, таҳлил этиш талаб этилади. Зеро, ўз миллий тарихимиздаги энг юқас фазилатларга эга бўлган қадриятларимиз, аксари, миллийлик билан бирга сиймоларимизнинг кенг намоён бўлади. Ахир Ал-Фарғонийдан тортиб Навоийгача буюк сиймоларимизнинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний юқас мавқега эга бўлиб дунёга танилганларининг боиси шу эмасми? Кейинги йилларда республикамизда буюк аждодларимиздан қанчалари қабри устида зияратгоҳлари қурилди? Ҳатто шу вақтларгача бизнинг ёшдагилар ҳам номларини билмайдиган ўз сиймоларимиздан қанчаси бугунги кунда тилга олиниб, иззат-ҳурматлари жойига қўйилмоқда, асарлари излаб топишмоқда, чоп этилмоқда, хотиралари абадийлаштирилмоқда ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси минг-минг йиллардан буюн дунёни мафтун этиб келаётган бўлса-да, нега бизга то шу вақтларгача маълум бўлмади ёки чала-ярим, ё мумкин, ё сохталаштирилган ҳолда талқин этилиб келди? Бундай саволларни ҳамон ҳар кун бериш ва сабабларини муттасил аниқлаб бориш — бугунги маънавийтимиз борасидаги энг долзарб масала бўлиб қолди, таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятимизнинг туб негизи айтиш шул билан боғлиқдир. Афсуски, ҳалигача ўзбек адабиёти тарихининг шу йўналишдаги самараларини қаноатланарли деб бўлмайди.

Тўғри, миллий меросимизни ўрганиш борасида кейинги йилларда анча ютуқларни кўлга киритдик. Бундан эътибор бўлмайди. Бироқ шуларнинг ўзи билан чекланиб ҳам қолмаймиз. Чунки бугунги кунларгача кўпроқ қадимий тарихимиз ва адабиётимиз ҳақида гарчи анча-мунча ишлар қилинган бўлса-да, мустабидлик даврида мазкур мавзуларда ёзилган асарларга миллий мустақиллик мафкураси нуқтаи назардан ёки ўз тарихимизга эндиликда тўғри ва ҳолисона муносабатда ёндошиш ҳозир жуда зарур бўлиб қолдики, ҳали бу борада қилинадиган ишлар серобга ўхшайди...

Агар тарихимизга бир назар ташласак унинг ҳамма босқичларида буюк олимларимиз, ёзувчиларимиз ўтмишга муттасил муҳожаат қилиб келганларини кўрамиз. Зеро, ҳар бир замоннинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда доимо тарихимиз кўмак берган. Донулар бунини чуқур идрок этганлар. Унга амал қилганлар. Бехудий, Фитратдан тортиб Абдулла Қодирийларгача қанчалар-қанча буюк сиймоларимиз энг яхши асарларини тарихий мавзуларда ёзганлар. Бу XX асрнинг 10-20 йилларида эди. 30-40 ва ун-

дан кейинги йилларда? Ойбек, Уйғун, Иззат Султон, улардан кейин Одил Ёқубов, Пиримқул Қодириевлар энг яхши асарларини тарихий мавзуларда яратганларини бир кўз олдимизга келтирсак, буларнинг олий ниятлари, иймон-этиқодлари, шу билан бирга журъдларига ҳам тан берамиз. Аини даврларда ўтмишимизга роса тўхмат тошлари ёғдирилаётган кезларда уларнинг асарлари пайдо бўлади.

Агар булар қаторига Мақсуд Шайхзодадек йирик файласуф шоир, драматург, юқас маънодаги олим яратган «Жалолдин Мангуберди», «Мирзо Улугбек» асарларини қўшиб санайдиган бўлсак, бизда миллий қадриятларимизни тиклашга кимлар қандай тарихий вазиятларда уринганликларини ҳам, бу соҳада ишла-

нинг «Алишер Навоий» драмалари, Собир Абдулларнинг «Тоҳир ва Зухро» асарларининг яратилиши, уларнинг саҳна ва кинофильм тарзида ярим асрдан ортиқ даврлардан буюн халқимиз қалбида яшаб келаётгани боиси ҳам шундандир...

Навоийга бағишланган бадий асарларда буюк бобомизнинг бутун инсоният олами маънавияти учун энг қимматли, бебаҳо тафаккур неъматлари қамраб олинди. Замон кун тартибига чиқарган масалаларни ҳал этишда улардан фойдаланиш кўзда тутилади. Ўйлаб қарайлик, иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари давом этаётган вазиятлар. Ҳамза театри саҳнасида Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Мажириддин, Жомий, Хондамир, Бехзод, Биноий, Мўминмирзо ва бошқалардан иборат бир қанча буюк аждодларимизнинг қиёфалари жонланади.

Буларнинг деярли ҳаммалари — Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, ўз ватани, эл-юрти тарихи ва тақдирда тутган ўрнининг ёрқин намоён бўлишига хизмат қилади. Биз бу ўринда соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейинги валиахдларнинг ноаҳиллиги туфайли бир бутун қудратли буюк Турон давлатининг емирилишини кўрамиз. Тараққиёт ўрнига ўр-йиқит, тож-тахт талашни натижасида келиб чиқаётган гуруҳбозликлар, хунрезликлар, фитналар авжга минди. Бундай вазиятда инсоният тақдирини ўйлаган зот — Алишер Навоий зиддиятларни тинч йўллар билан битиришга интилди. Юртни обод қилишга, мадраса, масжид, мактаб, илм-фан, савдо-сотик, деҳқончиликни ривожлантиришга бутун фаолиятини сафарбар этди. Биз саҳна манзараларида буюк бобомизнинг серқирра фаолиятларини кўрганимизда унинг ҳар бири хатти-ҳаракатлари, фикр-мулоҳазалари фақат уруш давридагина эмас, бугунги буюк Истиқлолимиз кунларида ҳам қалбларимизни нақадар тўлқинлантираётганини ҳис этамиз. Мана бу оқдидиғина икки сатрга эътибор беринг:

Яшашнинг юз аср олтин қафасида —
Яшаи афзал бир ой эркин нафасида.

Уруш вақтида босқинчига қул бўлиб юз йил яшаб билан ўз эркинлигида бир кун яшаш ҳақида қандай фалсафий ва бадий маънолар борлигини ортиқча изохлашга ҳолат йўқ. Биз Навоий образи фаолиятида XV аср теурийлар ҳукмронлиги даврининг деярли барча фазилатлари-ю нуқсонларига, энг тоғли дақиқалардан — то жуда кескин, ҳатто фожиали нуқталарига қўз олдимиздан ўтказамиз. Кундан-кун парчаланиб кетаётган буюк Туронни сақлаб қолиш учун курашган Навоий, барча миллат ва элатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга, уларнинг бирортасини ҳам камситмасликка шундай уринишдаки, ўша вазиятлардаги мулоҳазалари ҳамон қимматини йўқотмаслиги бизга зарурдир. Жумладан, биргина тил ҳақидаги фикрларини эслайлик. Ўша даврда айрим ўзларини бошқалардан устун қўйишга интиланлар бор эди ва ундайлар ҳозир ҳам оз эмас. Навоий бундайларга қаттиқ зарба бериш учун махсус асарлар ёзгани маълум. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

Емон тил, яхши тил йўқ, барча тил бир,
Уллар олдиди бу гап эмас сар...
Жаҳонга шох асарлар тақдир этган,
Бутун дунёга шухрат донги кетган —
Фақат форслар эмас, ҳиндлар, араблар,
Ҳинд, юнон, бўлаклар ҳам. Бу гаплар —
Аёнду кун каби. Биз сўзлаган сар
Шу тиллар сингари бодуру ва қоби.

Биз келтирган сатрлардаги чуқур илмий, ижтимоий, ҳатто сиёсий бир мавзу XV аср Хиротдаги замоннинг энг етук олим уфозилари, амалдорлари-ю зиялилари ўртасидаги бахслар манзарасини гавдалантирган. Аммо тил ҳақидаги шу мулоҳазалар ҳозир аҳамиятини йўқотганими? Албатта йўқ. Агар Истиқлолимиз бўлмаса, ўзбек тилга давлат мақоми берилариди? Ўз она тилимизда маъруза қилишга ҳам Москвадан рухсат сўралиши шарт бўлганда улар билан кўрашганлар, гувоҳ бўлганлар. Лозим бўлса, бу ҳақда алоҳида чиқиш қилиш мумкин.

Хуллас, Навоий ва у сингари буюк аждодлардан қолган маънавий мерос бизни абадий илҳомлантираверади. Биз муттасил уларга муҳожаат қилиб, ўз ҳаёти-мизини онгли равишда кўрамиз. Буюк Истиқлолимиз бизга бунини ато этган, Ўртабшомимиз доим бунини эслатиб келишлари бежиз эмас...

Ахмад АЛИЕВ.

Шарк гурдонлари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД ДОМО БЎЛУР...

● Сўзни ҳоқимлардан эшит, суҳбатни донолар билан қил, саволни олимларга бер. Ҳоқимлар сўзида маърифат жам, донолар суҳбатида бойлик. Олимлар жавоби саломатлик йўлидир.

Байт:

Оқил билан бўлсанг агар ҳамсуҳбат.

Ҳар ишда мақсадинг бўлмай мунсар.

Нодондан қўлингни ювган тезгина,

Ахлатда дурдан бўлмаган асар!

● Эркак учун энг яхши либос — ширин сўзлик. Хотин учун энг аъло кийим очик юзликдир.

● Бир киши бир ҳоқимнинг зиёратига борди. Бехуда сўзларни ҳаддан ортиқ валдиради. Сўнг орасида: «Энди сўзлашни бас қилай» деди. Ҳоқим унга: «Сен сўз сўзлаганинг йўқ!» деди.

Байт:

Бехуда сўзларни сўз деб бўлмайди,

Сўз улки, эшитган олсин бир фойда.

Сўзласанг, сўзини кўп узун қилма,

Малолик етади узайган жойда.

● Илм асосига қурилмаган улғуликнинг охири хорликдир.

● Ҳикмат. Қуйидаги беш ҳислат билан ўзига оро берган киши энг фозил кишидир. Биринчи — дўстини севиш билан. Иккинчи — халққа манфаат етказиш билан. Учинчи — ёмонликдан узоқ бўлиш билан. Тўртинчи — одамлардан тама ипини узиш билан. Бешинчи — ўлимни мардона кутиш билан.

Муниндин ЖУВАЙНИЙ.

● Замоннинг улуғи Шамсиддин соҳибдеворон бир куни беш юз диноҳ билан бир дастор (салла)ни Шайх Саъдийга совға қилиб юборди. Уни олиб бораётган Хусайн номли киши, хомтамалик билан унинг 150 диноҳини олиб қўйди. Саъдий пул юборувчига қуйидаги қитъани ёзиб юборди.

Қитъа:

Эй менга юборган киши шунча мол,

Молинг кўпайсин, душманинг заво.

Яхши ёмоннинг фазлини билурсан,

Яхшилар ҳеч қачон топмаган заво.

Юборган диноҳинг миқдорига сен,

Уч юз эллик йил доим боқий қол!

Шундан сўнг бир куни бир киши соҳибдевороннинг ҳақиқа дуо қилаётганда пулни уриб қолган Хусайн ҳам ҳозир эди. Дуо қилувчи соҳибдеворонга:

— Умринг беш юз йилга етсин! — деди.

Шунда соҳибдеворон:

— Агар Хусайн юз эллигини берса! — деди.

Хусайн бу сўздан, яъни ўзининг қилмишидан қаттиқ ҳижолат кечиб шармисор бўлди.

● Ҳикоят: Бир табибдан:

— Киши овқатга ўтирганда қанча ейиши керак?

— деб сўрадилар.

Табиб:

— Юз дирҳам! — деб жавоб берди.

— Бунчалик оз овқатдан қанча ҳам куч ҳосил бўларди! — дейишди.

Табиб уларга:

— Ундан саломатлик учун етарли тоза куч ҳосил бўлади. Ундан ортиқчаси фойдасиз бўлиб, фақат ҳаммоллик вазифасининг бажаришини мумкин! — деди.

Мойдан чироқ учун равшанлик ёрди,

Аммо баъзан мойдан ўчмоғи борди.

Қорин тўйдирмоқнинг бўлсанг бандаси,

Жаҳонда чарх уриб, доимо хорсан.

Кўп емоқ қилсанг ўзингча одам,

Соғлиқ юзин кўрмай доим беморсан!

Мақол: оз е, кўп яшасан!

Ҳикоят.

Уз ҳақими, ҳикмат дурин сочади,

Оз е, кўп яшасан, ден сўз очади!

● Емоқ яшаш учундир, яшаш эса емоқ ва ўзини фағфат солиш учун эмас.

● Ҳикоят: Сўз илмида қомил ва ҳақиқат ўлгонни фарқлашда фозил бир кишидан:

— Саховат ва шижоат ҳислатларидан қайси бири одам учун яхшироқдир? — деб сўрадилар.

У:

— Агар кишида саховат бўлмаса, шижоат ҳақида гапиришга ҳолат йўқ! — деб жавоб берди.

Баҳром сўр қабрига ёзилмиш бу сўз:

«Қули қўлдан қучиш саҳий қўл яхши».

Дунё кишиларга яхшилик қилиш, тоғанини йиғиш учун эмас ўзгаларга бериш учундир.

Насихат тарзида шох Ардашернинг,

Қабрига ёзилмиш шундайин ҳикмат:

«Мардлар — эл билан олдик жаҳонни,

Тўрға олиб кета олмадик фақат».

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У ўёки суви чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзининг очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

Эшитдимки, жамшид — соҳиб олам,

Чашмадаги тоғга ўтириб шу дам,

Деди: «Кимдир бунда ўтирган шодон,

Аммо, кўз очмайин бўлагандан вайрон!»

Ибн КАМОЛПОШШО.

Форс, араб, турк тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

ГОЛИБЛАРГА — ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР



COLGATE-PALMOLIVE компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси янги махсулотларининг бозорга чиқарилишининг энг самарали усулларидан бири сифатида истеъмолчилар ўртасида лотерея тиражларини ўтказиш деб ҳисоблайди.

Ҳозиргача ўтказилган шундай тиражлар натижасида бир неча ўнлаб юрдошларимиз COLGATE ва PALMOLIVE нишонлари туширилган эсдалик совғалари, махсулотлар тўплами, шунингдек аудио ва видеотехникаларнинг соҳиблари бўлишди.

Яқинда компания ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон бозорига янги пайдо бўлган Colgate Total тиш пасталари истеъмолчилари учун навбатдаги лотерея тиражи ўтказилди.

— Лотерея қатнашчилари тобора кўпайиб бормоқда, — дейди қоникши билан COLGATE-PALMOLIVE компа-

нияси Ўзбекистондаги ваколатхонасининг маркетинг бўйича менежери Петр Болотов. — Илгари фақат тошкентликлар тиражларда қатнашган бўлсалар, эндиликда республикамизнинг барча вилоятлари, ҳатто кичик шаҳар ва қишлоқлардан ҳам унда иштирок этиш учун мактублар олмақдамиз.

Бу гап ҳам одатдагидай қўпчилик мактублар ағалари ичидан қимматбаҳо совғалар соҳиблари бўлиш омади юрдошларимизни компютер танлаб берди. Иккита телевизор, иккита видеомагнитофон, видеокамеранинг соҳиблари маълум бўлди.

Бош мукофот — Америка

Дилмурод ИСМОИЛОВ. СУРАТДА: лотерея тиражи мукофотларидан бири уй бекаси Наталья Пашковага насиб этди.

Валерий Харитонов олган сура.

Тадбирлар

Қўшма Штатларига икки кишилик сафар эса ҳамшахримиз Татьяна Горьнкаяга насиб этадиган бўлди.

Шуни айтиш керакки, тошкентлик ўқитувчи Дилбар Юнусова ваколатхона манзилига лотереяда қатнашиш учун битта эмас, балки элликта талабнома юборди. Ва унга ёдгорлик тўплами насиб этди.

Тез орада янги махсулот истеъмолчилари учун навбатдаги тираж ўтказилди. Ва бу гапни тираж голиблари унда танловдан ташқари қатнашадилар. Зеро, компютер хотирасига бир марта голиб сифатида кирсанг, тиражда қатнашаверасан.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.



Каратэ

ЖИДДИЙ СИНОВЛАР ОЛДИДАН

«Жар» спорт марказида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Соғлом авлод йилига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон чемпионати беллашуварлари томоша қилар эканмиз, болаларнинг тиришқоқликлари, галабага бўлган иштиёқларини кўриб, ҳақиқатан ҳам ушбу соҳа жоюқларининг меҳнатларига таян бердик.

Республика каратэ миллий федерацияси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган, республикаимизнинг 17 клуби шарафини ҳимоя қилувчи саккиз юзга яқин ёш, умидли спортчилар қатнашди. Улар орасида жаҳон чемпионати ва кубогининг кўпга қўлиблари бор эди.

Тошкент шаҳар профессионал каратэ маркази умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. 16 олтин нишонга сазовор бўлган шахримизнинг яна бир «Азамат-Карим» клуби 60 очко билан иккинчи ўринни банд этди. Қарши шаҳрининг ёш каратэчиларига эса учинчи ўрин насиб этди. Шу тариқа ёш ҳамшаҳарларимиз жами 60 олтин нишонининг 43 тасини қўлга киритиб, салмоқлик йўққа эришди. Барча қўлиблари бор эди. 21 та кумуш, 11 та бронза медалларни қўлга киритиб, жами 137 очко жамғарган

— Бу йил ҳам бизнинг каратэчиларимизни катта синовлар кутмоқда, — дейди Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг президенти Нурхон Нафасов. — Австралиядаги йирик халқаро турнир, Японияда талабалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати, Германиянинг Мюнхен шаҳрида катталар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида ўз куч ва имкониятларини тўла намойиш этишга ҳаракат қиламиз.

Ха, болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионати баҳслари спортчиларимиз учун жиддий синовлар олдидан ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтади. Мураббийлар ўзлари мўлжаллаган каратэчиларнинг имконияти ва маҳоратларини яна бир қарра баҳолашга мўваффақ бўлишди. Бизнинг эса Отабек Қосимов, Фазлиддин Сапиев, Ринат Кутуев, Илхом Каримов, Азамат Қаландаров, Ботир Мардонов, Хусниддин Сапиев каби маҳоратли каратэчиларимиздан умидларимиз катта. Олимпиада йилида улар юқорида тилга олинган мусобақаларда кўп мартали шохсупанинг энг юқори поғоналаридан жой олишларини кутиб қоламиз.

Дилшод ИСМОИЛ.
СУРАТЛАР: чемпионат баҳсларидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Мана бир неча йилдирки Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати ташаббус билан бутун дунёда сил касаллигига қарши кураш кўришга ўтказилди. Шу муносабат билан барча жойларда тиббиёт ходимлари бу касаллик билан боғлиқ муҳофазавий тадбирларни аҳоли ўртасида кенг қўллаб-қувватлашмоқда.

Сил касаллигининг жаҳон бўйлаб тобора кўпайиб кетаётганлиги дунё олимларини ниҳоятда ташвишлан-тирмоқда. Бу касаллик чегара, миллат ажратмайди, аҳолининг барча қатламларини ўз домига тортди, фақат иқтисодий ночор, қўлоқ ривожланган мамлакатларда ҳам авж олмоқда.

Сил касаллигининг дунё миқёсидаги муаммолардан бири эканлигини ҳисобга олиб француз олими Франко-Ремондо сил касаллигини «XXI аср вабси» деб бежиз айтмаган. 1998 йилда бутун дунёда 10 миллионга яқин одам бу хасталиқнинг юқумли тури билан ҳисобга олинган. Уларнинг 3 миллиондан ортиғи сил ва унинг турли асоратларидан ўлган. Энг ачирарлиқ уларнинг 75 фоизи 15-20 ёшдагилардир. Бу касалликдан ўлган аёллар сони бошқа сабаблар туфайли ҳаётдан қўз юмган аёллар сони-дан анча кўп. Ушбу эпидемиологик вазиятни ҳисобга олиб, 1993 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати 24-мартни сил касаллигига қарши кураш кўни деб эълон қилди. Сабаби, бу юқумли касаллик аввалдан маълум бўлган, лекин уни юқитиручи микробини тарихда ilk бор 1882 йил 24 март кўни немис олими Роберт Кох кашф этган. Кейинчалик бу олим шарафига сил таёқчаси — Кох таёқчаси деган ном билан атала бошлаган. Шу нуктага назардан бу тарихий сана «Умумжаҳон сил касаллигига қарши кураш кўни» деб эълон қилинишида рамзий маъно бор.

Республикаимизда ҳам муайян даволаш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қарамай, айниқса қишлоқ жойларда, Оролбўйи ҳудудидида сил касаллиги бўйича вазият жиддийлигича қолмоқда. Аҳолининг бир жойдан

иккинчи жойга қўчиши, бирорта яшаш жойи тайин бўлмаган шахслар сонининг кўпайиши, сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар, гиёвандлар ва тамаки чекувчилар ҳисобига очик сил касаллиги турларига чалинган беморлар сони кўпайиб бормоқда. Аҳолининг барча ёш гуруҳлари орасида беморларнинг сонига кўпаймасдан, балки касаллик клиник тури хилларининг оғирлашиши ҳам қайд қилинмоқда. Кенг тарқалган, қайтмас сил турларига

ган, шунингдек сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар, гиёвандлар, сурункали носпецифик ўпка касаллиги туфайли даволанувчилар, силнинг очик тури билан касалланган, ёмон шaroитда яшовчи ёки ишловчилар қиради.

Сил касаллиги кишининг қайси аъзосини жараҳатлашидан қатъий назар қуйидаги белгиларда намойён бўлади: касал тез кўнда озир дармонсизлик, кўп терлаш, кўннинг иккинчи ярмида тана ҳароратининг

юқорида санаб ўтилган сил касаллиги юқишига мойил гуруҳлар ва шу билан бирга аҳоли билан доимий равишда яқин мулоқотда бўлувчи касб эгалари: озиқ-овқат тайёрловчилар ва уни тарқатувчилар, болалар тарбияси билан шугullanувчилар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва шу қабиларни жалб қилиш зарур. Чунки бу касб эгалари ўзларининг сил касаллигига дучор бўлганликларидан беҳабар атрофдагиларга уни юқитиришда асосий сабабли бўлишлари мумкин.

Сил касаллигини аниқлашда асосий усуллардан яна бири касал балғами, сидиги, окма йиринглариди ёки жарохлиқ йўли билан олинган далил-ашёларида сил таёқчасини бактериямикопик услубда топиб аниқлашдир. Бу услуб ниҳоятда арзонлиги ва натижанинг тез олиниши билан алоҳида эътиборга лойиқ.

Сил касаллигини олдини олиш учун аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда муҳим омил бўлади. Бу масала фақат тиббиёт ходимларигагина боғлиқ эмас. Бу борада ҳар бир оилада, жамоада, жойларда мунтазам равишда тушунириш ишларини олиб бориш, соғлом турмуш кечириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шахсий ва жамоа гигиенаси қоидаларига сўзсиз риоя этишни амалга ошириш лозим.

Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ш. О. Олимов номи фтизиатрия ва пульмонология илмий-тегириш институти директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.

Шавкат РАҲМОНОВ,
Республика флюоромаркази мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

24 март — Умумжаҳон сил касаллигига қарши кураш кўни

МУҲИМИ — ВАҚТИДА АНИҚЛАШ ВА ДАВОЛАШ

чалинган беморлар сони кўпаймоқда, оилавий силга чалиниш ҳоллари (бир неча оила аъзоларининг, шу жумладан болаларнинг касалланиши) тез-тез учрамоқда.

Сил касаллигини вақтида аниқлаш ва унга қарши кураш бораидада Ўзбекистонда меҳнат қилаётган етакчи олимларимизнинг тўтган мавқеи юқори. Сил касаллигига қарши кураш тадбирлари кўп қиррали муаммолардан бири эканлигини ҳисобга олиб, энг аввало аҳоли онига бу касаллик ҳақидаги аҳолининг маълум гуруҳлари ичида кўп учрашини олимларимиз ўз илмий тадқиқотларида исбот этишлар ва бу республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 552-сонли буйруғида ўз асосини топи. Сил касаллигининг юқишига мойил гуруҳларига мансуб қилишлар асосий касалликларига сабабли нисбатан бўлади. Яъни, яқин оқлашмаганлик хорики ёки истеъмол қилган оқлашлар ичигида хазм бўлмаганлик, нафас олиш аъзоларида сурункали хасталик белгилари бўлиб, тоза ҳаводан баҳраманд бўлмаганликларига оқибат бўлади. Бу гуруҳга қандили диабет, ошқозон-ичак яраси ёки шу аъзоларда жароҳлиқ муолажасини ўтказган, кўп миқдорда гормон ёки нур қабул қил-

бироз кўтарилиши ва оғиз қуришидан шикоят қилади. Кейинги навбатдаги белгилар сил касаллиги қайси аъзони қамраб олишига боғлиқдир. Нафас аъзолари силида калта қуруқ йўтал ёки балғам бўлиб қон тушуриш аломатлари ҳам бўлиши мумкин. Нафас олиш қийинлашади, баъзида кўкрак соҳасида оғрик сезади. Сўяк бўғин силида асосан жароҳатланган нуктада оғрик сезилиб шиш пайдо бўлади. Бўғин соҳасида ҳаракат чекланган ҳолда бўлади. Сиддик таносил аъзолари силида бел оғриғи билан бир қаторда пешобга чиқиш тезлашиб изтиробли бўлади. Ичаклар атрофи лимфа безлари силида доимий қабзият сезилиб қоринда қаттиқ оғрик ҳўкм суради. Аёллар жинсий аъзолари сили фарзандсизлик қўринишида намойён бўлади.

Хасталикни аниқлашда беморни эътибор билан кузатиш, касаллик тарихи билан қизиқиш, шикоятлари кўп маълумот беради. Ёш болалар ўртасида асосан туберкулин синамаси, ўсмирлар ва катта ёшдагилар ўртасида флюорографик услуб кенг қўлланилади. Флюорографик услуб бир мунча қимматга тушсада, касалликни илк даврида аниқлаш имкониятини берадиган ягона услуб бўлганлиги учун ундан унумли фойдаланиш жоиз. Бу мақсадда иложи борича,

бўлими бошлиғи Азиз Эрнарзоров сўз олиб феоаларни бу соҳада масъулият билан иш олиб боришга қақирди. — Ўтган йили, — деди нотиқ, — дунё бўйича йўл ҳаракати хавфсизлигига амал қилмай авариялар туфайли ҳалок бўлган болаларнинг ўзи 300.000 кишини ташкил этди. Демократик, фақатгина ҳаракат хавфсизлиги ойлтигиди эмас, балки мунтазам равишда мактабларда, маҳалларда бу соҳада

Мазкур йилнинг март ойи Ҳаракат хавфсизлиги ойлти деб эълон қилинди. 24-март, дунқаролар хавфсизлиги таъминлаш, иложи борича йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бир-гина йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ҳодимларининг вазифаси бўлмай, ҳаммаимизнинг энг аввало, ота-оналар, бошқа мактаблар тарбиячиларининг ҳам вазифаси бўлмоғи керак. Шундангина йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмаетилганлар сони қамаяди. Айниқса, содир этилаётган бундай ҳодисаларда ёш болаларнинг ҳаётдан кўз юмаетгани ёки бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолаётгани ачинарлидир. Шу туфайли пойтахтимиз мактабларида, ўқув масканларида Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракат хавфсизлиги назорати бошқармаси ҳамда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ўзаро ҳамкорликда мураббийлар, ота-оналар билан учрашулар ташкил этмоқдалар.

Кўни кеча шудай урашувлардан бири Миробод туманидаги 110-мактабда ўтказилди. Унда пойтахтимиз мактабларининг раҳбарлари ИХН бошқармаси ҳодимлари иштирок этдилар.

«Жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида болалар иштирокида ёки уларнинг айби билан 69 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Натижада 3 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмди, 72 нафар ўсмир жароҳатланди». Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси бошлиғи Равшан Дамнонов йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари ва бу соҳада бажарилиши зарур бўлган вазифалар тўғрисида маъруза қилар экан, йиғилганларга юқоридаги далилларни келтириб ўтди.

— Ҳозирги кўнда бошқарманимиз олдиди турган энг асосий масала, — дея сўзини давом эттирди нотиқ, — шахримизда рўй бераётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир. Ўтган йили пойтахтимизнинг ўзида 2781 та ҳодиса содир этилиб, оқибатда 226 киши ҳалок бўлган,

ганини хис қилиш қийин эмас. Ота-оналар, муаллимлар ва маҳалла феоалари ҳамкорликда иш юритмасалар, йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармасига мадад қилиш чўзмасалар автоҳалокат ҳодисалари қаммайди. Шу сабабли ҳаммаимиз ҳушёр бўлишга, лоқай бўлмасталикка даъват етатман. Айниқса, мактабларда ўқувчиларга бу борада жиддий тушунириш ишлари олиб бориш, зарур ҳолларда бошқарманимиз ҳодимла-

ганини хис қилиш қийин эмас. Ота-оналар, муаллимлар ва маҳалла феоалари ҳамкорликда иш юритмасалар, йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармасига мадад қилиш чўзмасалар автоҳалокат ҳодисалари қаммайди. Шу сабабли ҳаммаимиз ҳушёр бўлишга, лоқай бўлмасталикка даъват етатман. Айниқса, мактабларда ўқувчиларга бу борада жиддий тушунириш ишлари олиб бориш, зарур ҳолларда бошқарманимиз ҳодимла-

ганини хис қилиш қийин эмас. Ота-оналар, муаллимлар ва маҳалла феоалари ҳамкорликда иш юритмасалар, йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармасига мадад қилиш чўзмасалар автоҳалокат ҳодисалари қаммайди. Шу сабабли ҳаммаимиз ҳушёр бўлишга, лоқай бўлмасталикка даъват етатман. Айниқса, мактабларда ўқувчиларга бу борада жиддий тушунириш ишлари олиб бориш, зарур ҳолларда бошқарманимиз ҳодимла-

Ҳаракат хавфсизлиги ойлти

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ ЙЎЛОВЧИ, МАШИНА КЕЛЯПТИ

3213 киши эса майиб-мажруҳ бўлиб қолган. Савол туғилади. Негар, ҳар йили ҳаракат хавфсизлиги ойлти ўтказилишига, аҳоли ўртасида тушунириш ишлари олиб борилишига қарамай авариялар содир бўлмоқда? Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, йўл-транспорт ҳодисаларининг 735 таси йўлларда пидедаларнинг тартибсизлиги, эътиборсизлиги, ҳаракатланиш қоидаларининг талабларига риоя етмаслиги оқибатида содир бўлган. Ачинарлиси, бу ҳодисаларда 70 киши ҳалок бўлган, 691 киши жароҳатланган. Бу рақамлар ортда рам-руссага ботган қандад-қанча оилалар, ота-оналар, жамиятимиз учун келгусида қувонч келтириши мумкин бўлган, Аллоҳнинг бебаҳо ва улўғ неъматини — жонини бевақт узилган ИНСОН умри ёт-

рини тез-тез мактабга қақириб, ўқувчилар билан учрашулар ташкил этиш катта самара беради. Фикримча, ҳар бир мактабда синфларда «Яшил чирок» кўрик мусобақасини ўтказиш шарт. Бу ишда ҳам ҳодимларимиз мураббийларга ёрдам қилиш чўзишга тайёр. Бу тақлифларимни айтишдан мурда, Ҳамза, Акмал Икромов, Чилонзор туманларидида 77, 299, 188-мактаблар ўқувчилари иштирокида бир ойлнинг ўзида кетма-кет 2 марта автоҳалокат ҳодисалари содир этилган. Агар ушбу туманлар халқ таълими бўлими мактабларда профилактика тадбирларига етарли аҳамият берганларида эди, авариялар содир бўлмасди.

Шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси тарғибот-ташвиқот

жиддий тушунириш ишлари олиб бориш даркор. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Сирғали туманидаги 237-мактаб директори ўринбосари Манфратхон Одилова, Юнособод туманидаги 260-мактаб директори Галина Ким ҳам сўзга чиқиб, мактабларда ҳаракат хавфсизлигининг олдини олиш учун қилиниши зарур бўлган вазифаларга тўхтадилар. Нотиқлар фикрича, ҳар бир синфда «Яшил чирок» мусобақасини мунтазам ўтказиш, мактабдан уйга кетаётган ёки келатган ўқувчиларнинг катта йўлдан ўтказишларига қўмақлашмиш лозим. Шундангина бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Мен қимман? Қандай одамман? АТРОФИНГИЗДАГИЛАР СИЗГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИШАДИ?

Атрофингиздагилар сизни яқин қўришини деб қаттиқ тиршидаган бўлсангиз — бу ҳам сиз учун муаммодан бошқа нарсани тўғирмайди. Лекин ўзингизча одамларга сизнинг муносабатда бўлсангиз, уларга ҳамқўрлик қилсангиз, олжаноблик намуналарини кўрсатсангиз — атрофингиздагиларнинг ҳурматиға сазовор бўлишингиз мумкин. Болаликдан сизни ҳурмат қилишлари учун ҳаракат қилинг. Қуйидаги тест саволлари ўзингиз танийдиган одамлар сизни қандай баҳолашларини билиб олишингизга ёрдам беради. Саволларга ҳолис ва ҳалол жавоб берсангиз — ўзгалар муносабатини ҳам аниқ билиб оласиз.

Саволларга берилган жавоблардан бирини танлайсиз ҳамда уларга мос балларни тўплаб, кейин ҳулосаларимизни ўқинг. 1. Бир қарашдаёқ бирон одамнинг сизга ёқмай қолиш ҳоллари бўладими? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

2. Мабодо, сиз билан бирон нотаниш одам гаплашиб қолгудек бўлса — уни сезмаганликка оласизми? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

3. Кимдир сизга бирон нарсани «сир қилиб» гапириб берадиган бўлса, оғзингизни кулфда тутасизми? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

4. Ёрдам ёки маслаҳат сўраб сизга мурожаат қилишадими? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

7. Мабодо омаднингиз юришмай қолса айбини бошқа биронга тўнкашга ҳаракат қиласизми? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

8. Уйингизда ёки мактабда (ишонад) янги одамни учратиб қолсангиз — у билан танишишга биринчи бўлиб интиласизми? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

9. Мабодо, дўстларингизга сизнинг кўмагингиз керак бўлиб қолса — ҳеч иккинмай ҳамма ишингизни қўйиб, машгулотларингиздан воз кечиб ёрдамга ошиласизми? (а) Кўпинча (б) Баъзида (в) Ҳеч қачон

Жавоблар бўйича баллар: 1. (а) 0 (б) 10 (в) 5 2. (а) 0 (б) 10 (в) 0 3. (а) 10 (б) 0 (в) 0 4. (а) 10 (б) 5 (в) 0 5. (а) 0 (б) 5 (в) 10 6. (а) 0 (б) 5 (в) 10 7. (а) 0 (б) 5 (в) 10 8. (а) 10 (б) 5 (в) 0 9. (а) 10 (б) 5 (в) 0

Тўпланган балларингиз юзасидан ҳулосалар: 80-100: Бу — жуда юқори натижа. Агар ҳалол жавоб берган бўлсангиз, унда сиз одамларни ҳурмат қиласиз, қадрлайсиз. Ўз навбатида улар ҳам сизни ишончли одам деб ҳисоблашади. Мақтов ва муқофотлар учун сиз йўлингиздан қайтмайсиз. Лекин сизнинг олижаноб ҳаракатларингиз ҳар иккисини келтиради.

45-75: Шу оралиққа тушган одамларга, одатда улар ўз манфаатлари доирасини бир мунча кенгайтирган тақдирларидагина ёрдам беришади. Бундай қилишлар одамлар уларни яқин қўришларини жуда хошлашади-ю, лекин бунинг учун ҳеч нима қилишмайди. Бунинг ўрнига ўзларини четга олишга интилишади. 0-40: Ушбу гуруҳга тушган одамлар шу қадар тортинчоқ бўлишадими, атрофдагилар кўз ўнгидида бўлишдан ҳам чўчишади. Лекин ўз қўбикларидан чиқишлари биланок, атрофдагилар диққатини янада кўпроқ торттишади.

Муҳтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.



Ниҳол

КИМ КАТТА

Баҳайбат бир кўпнақни
Олаб ўтар Ойсулу.
Ҳазилшомил журтмага,
— Итинг севдан катта-ку.
— Катта эма амаси,
Мендан кичик бу ҳўмбос.
Менинг ёшим еттида,
Ушк-чи, икки ёш.
ЖАВОБИНИ ҚАРАНГ
— Вой болам-ей деб она,
Ўғлидан ҳафа яна...
Иш буюрмас қанда шў
Қўмаса қочсан эва.

— Мен ҳечам қочганим йўқ,
Қўмаса шўганим йўқ.
Кичик кетдим-ку секин,
Қўрмай қолдингиз лекин.

БАҲОНА

— Теракни аралаб қўй
Солижон вақтинг бўлса.
Ёмон бўлар ҳолида
Қуриган нарсаси турса.

— Мени қўйинг-е, дада,
Айтақолинг Ўстимига,
Қўрқаман,
араласам,
Босиб тушар устимига.

МАН-МАН

Мақтанчоқ қўнчуқ,
Учиб ушқоқ.
Иланиб қолиди
Қаранг тўзқоқ.
Тақдирга татом,
Бериб қўйди тан.
Лекин шунда ҳам,
Сир бермас ман-ман.
Қўриган қўшга,
У бундай дейди:
— Бундаги доппи
Манд бўлсан ейди.
Ушлаб турибман
Ўшим тўзқоқни,
Евоеринглар
Қўрмай ушқоқни.

Ҳабиб РАҲМАТ.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
Эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қозғ бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтин тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбос
концерни босмаҳонаси. Корхона
манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.